# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 144 (8.879) ◆ 1996 йил ◆ 4 декабрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда




## ЛИССАБОН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВИ

**ЛИССАБОН, 2 декабрь. (Фахриддин НИЗОМ хабар қилади).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 декабрь куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига (ЕХҲТ) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашувида иштирок этиш учун Португалия пойтахтига ташриф буюрди.

Бугун Лиссабон шаҳрининг «Белем» маданият марказида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви бошланди. Мазкур мулоқотга ЕХҲТга аъзо 54 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари таклиф этилган. Шунингдек, саммитда БМТ Бош котиби вакили, Ўрта Ер денгизи мамлакатлари — Жазоир, Миср, Исроил, Марокаш, Тунис ҳамда Япония ва Корея Республикаси раҳбарлари ҳам иштирок этмоқда.

ЕХҲТ учрашуви чоғида мазкур ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб олинади. Бу анжуман давлат ва ҳукумат бошлиқлари учун ЕХҲТ доирасида умумий манфаатларга дахлдор бўлган масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бериши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммити чоғида умумий декларация ва хавфсизлик модели бўйича декларация қабул қилиниши кутилмоқда. Умумий декларацияда 1989 йилдан бери ЕХҲТга аъзо мамлакатларда демократияни қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар қайд этилади ҳамда уларни бундан буён ривожлантириш йўллари белгилаб олинади. Хавфсизлик модели бўйича декларацияда ЕХҲТ доирасида муҳокама этилаётган «XX1 асрда Европа учун умумий ва кенг миқёсли хавфсизлик модели» ўз аксини топади.

Саммит ялпи мажлисини Португалия Бош вазири Антонио Гутерриш кириш сўзи билан очди. У Европада, хусусан, собиқ Югославиядаги уруш ўчоғини бартараф этишда бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда ЕХҲТ ҳам фаол иштирок этганини қайд этди, мазкур анжуман Европада хавфсизлик архитектурасини барпо этишга киришилаётган бир пайтда ўтаётганини таъкидлади.

ЕХҲТнинг айни пайтдаги раиси, Швейцария ташқи ишлар вазири Флавио Котти анжуман иштирокчилари эътиборини ташкилотнинг хавфсизликни таъминлаш, уруш ўчоқларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган тадбирларига қаратди. У ЕХҲТ урушаётган томонларни яраштиришда қозилик қилмайди, аксинча, воситачи вазифасини ўтайди, деб айтди.

Ялпи мажлиснинг очилиш маросимида БМТ Бош котиби вакили Михаил Петровский, ЕХҲТ парламент ассамблеяси раиси Хавнер Руперес сўзга чиқди.

Шундан сўнг ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари сўз олдилар.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммитида иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бугун куннинг биринчи ярмида Исроил Бош вазири Б. Нетаньяху билан учрашди.

Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

* * *

**ЛИССАБОН, 3 декабрь. (Фахриддин НИЗОМ хабар қилади).**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 декабрь кунининг иккинчи ярмида Украина Президенти Леонид Кучма, Португалия Бош вазири Антонио Гутерриш билан учрашди.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон — Украина ҳамда Ўзбекистон — Португалия муносабатларини ривожлантириш, икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ислом Каримов билан Антонио Гутерриш учрашуви сўнгида Ўзбекистон ва Португалия ўртасида ҳаво қатнови ва сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича битимлар имзоланди. Ҳужжатларга Ўзбекистон ва Португалия ташқи ишлар вазирлари А. Комилов ва Ж. Гама имзо чекди. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар шу вақтгача Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида ривожланаётган бўлса, эндиликда икки томонлама муносабатларга бевосита ҳуқуқий замин ҳозирлана бошлади.

Лиссабон учрашувининг дастлабки кунги ялпи мажлисида ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари мазкур ташкилотнинг Европада хавфсизликни таъминлаш борасида муҳим ўрин тутаётганини, айниқса, «совуқ уруш»га барҳам берилганини, собиқ Югославия ва бошқа ҳудудлардаги сиёсий тангликларни ҳамда бошқа уруш ўчоқларини бартараф этиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни қарор топтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Шу билан биргаликда, ялпи хавфсизликни таъминлаш, XXI асрда Европанинг хавфсизлик моделини яратишда турлича қарашлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши масаласи баҳсларга сабаб бўлаётир. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари мазкур ташкилотни якдил демократик давлатларнинг мудофаа иттифоқи деб билиб, уни Россия билан ҳамкорликда кенгайтириш мумкин деб ҳисобламоқда. Россия эса яна бир марта бу масалага ўзининг салбий муносабатини билдирди.

Бу, «совуқ уруш» тугаганига қарамай, хавфсизликни таъминлаш осон кечмаётганини кўрсатмоқда.

*(ЎзА).*

## ҚИШ ХАТОЛАРНИ КЕЧИРМАЙДИ

2 декабрь куни Тошкент шаҳри ҳокимлигида Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов раислигида Вазирлар Маҳкамасининг кўчма мажлиси бўлди. Унда республика пойтахтидаги коммуникациялар, уй-жойлар ва корхоналарнинг қишга тайёрлиги масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисда республика вазирликлари ва идораларининг, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, Тошкент туманларининг ҳокимлари иштирок этди.

Муҳокама қилинаётган масала Ўзбекистон Президентининг, ҳукуматининг ҳамиша диққат марказида тургани, аҳолидан тушаётган шикоятлар ҳисобга олиниб, назорат қилиб турилгани таъкидланди.

Ишларнинг аҳволи тўғрисида ахборот берган Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иссиқлик ва сув қувурлари тармоқларини, механизмларни қайта қуриш, қисман алмаштириш, подвалларни нормал ҳолатга келтириш, таъмирлаш ишларини ташкил қилиш, барча муҳим муаммоларни ҳал этиш юзасидан белгиланган кенг кўламли ишларни охирига етказиш зарурлигини айтиб ўтди.

Мажлис иштирокчилари қишга вақтида тайёргарлик кўрмаслик ҳоллари билан таништирилди. Учрашув чоғида бу ишда қолоқликка йўл қўйган айбдор шахслар танқид қилинди. Айни пайтда шаҳарнинг турли жойларидаги камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чоралар белгиланди. Коммунал хизматдан фойдаланганлик учун 300 миллион сўмдан ортиқ қарздор бўлиб қолган шахслар ва ташкилотлар шаънига эътирозлар айтилди. Қиш мавсумига пухтароқ тайёргарлик кўриш учун ҳозир айни ана шу маблағ етишмай турибди.

Мажлисда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, К. Раҳимов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов иштирок этдилар.

*(ЎзА).*



*Пойтахтимиздаги «Тошкент» станцияси ҳамиша йўловчилар хизматида бўлиб, узоқларини яқин қилмоқда. Айниқса, маиший-маданий хизмат шохобчалари кўпайтирилмоқда. Яқинда қурилиши якунланаётган кўприк фойдаланишга топширилади.*

*— 13-метроқурилиш томонидан қурилиш ишлари ниҳоясига етаётган кўприк ҳадемай йўловчилар хизматига топширилишидан мамнунмиз, — дейди станциянинг бош муҳандиси Валимер Аджарипов, — Ердан 10 метр баландликда қурилаётган, узунлиги 180 метр бўлган кўприк вокзал билан Сарикўл кўчасини боғлайди.*

*СУРАТЛАРДА: кўприк қурувчилари иш устида; станциянинг бош муҳандиси Валимер Аджарипов 13-метроқурилиш бригадири Мирзааҳмад Мирзалиев билан мулоқотда; бригаданинг моҳир ишчиси Рафиқ Ахметянов пардозлаш ишларини бажараяпти.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*





## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлари берилди.

● Президент Ислом Каримовнинг Фармони билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи Арслон Рўзметовга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони берилди.

● Тошкентда барпо этилиши мўлжалланаётган электровозларни таъмирлаш заводи қурилишини техникавий-иқтисодий асослаш учун пойтахтга бир гуруҳ япон мутахассислари келдилар. Япония томони ушбу корхона қурилишига 6 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ ажратишни режалаган.

● Тошкентдаги «Туркистон» саройида кеча Халқаро ногиронлар кунига бағишлаб тантанали йиғилиш ўтказилди. Республика хайрия жамғармалари йиғилишда ногиронларга ўз совғаларини топширдилар.

● «Ал-Машриқ» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи Абдулла-ал-Хибий ушбу фирманинг мамлакатимизда фаолиятини тўхтатганлиги тўғрисида тарқалган миш-мишларни қатъиян рад этди. У «Ал-Мащриқ» яқин вақтда республикамизда бир қатор янги магазинлар, шу жумладан савдо майдони 7 минг квадрат метрдан кўпроқ бўладиган супермаркет очишини маълум қилди.

● Кеча Валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода 1 АҚШ долларининг қиймати 51 сўм даражасида қайд қилинди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Помир ён бағирларидаги Гарм тумани атрофида ҳукумат қўшинлари билан мухолифатчилар куролли бўлинмалари ўртасида қонли жанглар давом этяпти. Бу тўқнашувлар давомида ҳар икки томондан кўплаб қурбонлар бор. Мухолифатчилар ҳукумат қўшинларининг юз нафардан кўпроқ ҳарбий хизматчисини қўлга олишганлиги хабар қилинди.

● Бугун Москвада Россия воситачилигида Грузия-Абхазия вакиллари ўртасида навбатдаги учрашув бўлиб ўтади. Лекин Грузия томонининг яқинда Абхазияда бўлиб ўтган парламент сайловларидан қатъий норозилиги сабабли ушбу учрашув аввалгилари каби натижасиз тугаши эҳтимолдан холи эмас.

● Россия кончилари муддатсиз иш ташладилар. Улар бу гал иқтисодий талаблар — иш ҳақлари ўз вақтида тўланиши билан бир қаторда ҳукуматнинг истеъфога чиқишини ҳам талаб этмоқдалар.

● Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳукумат таркибида ва давлат муассасаларидаги 3 минг нафарга яқин амалдорни қисқартириш тўғрисида фармон чиқарди.

### ХОРИЖДА

● Финляндия пойтахти Хельсинкида Европа Иттифоқининг уюшган жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга бағишланган анжумани иш бошлади.

● Араб давлатлари лигаси Исроилнинг босиб олинган ҳудудларда янги турар жойлар қуриш режасини кескин қоралади.

● Афғонистоннинг шимолий-ғарбий ҳудудларида ҳукумат қўшинлари билан «Толибон» қуролли бўлинмалари ўртасида яна шиддатли жанглар бошланиб кетди.

● Туркия парламенти мамлакат жанубий- шарқида 1987 йилдан амалда бўлган фавқулодда ҳолатни яна навбатдаги тўрт ой муддатга узайтирди.

● Хитойнинг Шаньси вилоятидаги конлардан бирида рўй берган портлаш оқибатида юз нафарга яқин киши ҳалок бўлди. Яна 30 кончининг тақдири ҳозирча номаълум.

● Боливия пойтахти Лас-Пасда Америка қитъаси давлатлари президентлари ва ҳукумат бошлиқлари рафиқаларининг олтинчи анжумани иш бошлади.

● Париж шаҳри атрофига қатновчи тез юрар метрода рўй берган портлаш оқибатида икки киши ҳалок бўлди, бир неча киши жароҳатлар олди.

### Ислом КАРИМОВ:
## ХАВФСИЗЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

ЛИССАБОН, 3 декабрь. (Фахриддин НИЗОМ хабар қилади).

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бугун ЕХҲТга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқлари учрашувининг ялпи мажлисида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Президенти саммит иштирокчилари эътиборини Марказий Осиё минтақасидаги муаммолар, уларни ечиш борасида Ўзбекистон олға сураётган таклифларга қаратди. Чунки Европа мамлакатларининг хавфсизлиги кўп жиҳатдан мазкур минтақа муаммолари қандай ҳал этилишига ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг хавфсизлиги минтақавий, қолаверса, глобал хавфсизлик билан бевосита боғлиқ. «Совуқ уруш» тугагандан ҳамда кейинги йилларда рўй берган муҳим жўғрофий-сиёсий ўзгаришлардан сўнг хавфсизликни таъминлашнинг янги йўлларини излаб топиш зарурати юзага келмоқда. Айни пайтда ялпи хавфсизликка ҳарбий-сиёсий блоклар ёки давлатларнинг ўзаро қарама-қаршилиги эмас, аксинча, миллий, минтақавий ва маҳаллий можаролар, қурол-яроғ савдоси, инсон ҳуқуқларининг поймол этилиши ҳамда давлатлар ичидаги сепаратизм жиддий хавф туғдирмоқда.

Бундай можаролар халқаро терроризм ва наркобизнеснинг авж олишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Афғонистондаги ўн саккиз йиллик уруш оқибатида вужудга келган вазиятни қайта изга солиш учун халқаро ташкилотлар, қолаверса, бутун жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатлари зарур.

Шуниси қувончлики, Ўзбекистоннинг Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни таъқиқлаш тўғрисидаги таклифлари кўпгина халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Хавфсизлик муаммолари экологияни ҳам ўз ичига қамрайди. Марказий Осиёдаги экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизи фожиасини бартараф этиш борасида минтақа давлатлари билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик диққатга сазовордир.

Ислом Каримов давлат ва ҳукумат бошлиқларини Ўзбекистоннинг БМТ Бош ассамблеяси сессиясида илгари сурган Марказий Осиёни ядро қуролидан холи минтақа, деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Бугунги кунда сиёсий-ҳарбий гуруҳбозлик ва ундан келиб чиқиши мумкин бўлган қарама-қаршилик билан ялпи хавфсизликка эришиб бўлмайди.

ЕХҲТга аъзо ҳар бир мамлакат бундан 21 йил муқаддам Хельсинкида қабул қилинган якунловчи акт принциплари ва мажбуриятларини ҳурмат қилиши зарур. Мазкур ташкилот ҳам юқорида қайд этилган қарама-қаршиликлар олдини олиши керак бўлади.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Европа давлатлари ва тузилмалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мамлакатимиз салоҳиятини оширишга, иқтисодий ва демократик ислоҳотларни жадаллаштиришга, миллий мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ислом Каримов шу куни «Белем» конференц-марказида Грузия Президенти Э. Шеварднадзе, АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари С. Тэлбот билан учрашди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари «Белем» президент саройига ташриф буюриб, Португалия Президенти Ж. Сомпайу билан ҳам учрашди.

ЕХҲТнинг Лиссабон саммити 3 декабрда якунловчи ҳужжат қабул қилиниши билан ўз ишини якунлади.

*(ЎзА).*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### Э. ВОҲИДОВНИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек маданиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, миллий маънавият соҳасидаги улкан фаолияти ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги самарали хизмати учун Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидович Воҳидов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 ноябрь.

*Қутлаймиз!*

## ОФТОБГА БАҒРИНИ ОЧГАН ЮРТ ФАРЗАНДИМАН

### Ўзбекистон халқ шоири Эркин ВОҲИДОВ билан суҳбат



**— Эркин ака, «Тошкент оқшоми» муштарийлари номидан Сизни Ватанимизнинг юксак нишони — «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлишингиз билан чин юракдан муборакбод этамиз.**

— Раҳмат, катта раҳмат, ҳаммаларига сиҳат-саломатлик, хонадонларига тинчлик ёр бўлсин.

**— Шундай бахтиёр дамларда кўнглингиздан қандай туйғулар кечяпти?**

— Бундай лаҳзаларда қувонч, жуда катта ифтихор туйғуси, камтарин меҳнатим юксак баҳолангани учун беадад миннатдорлик туйғуси дилдан кечади. Инсон ҳатто ўзини йўқотиб қўяди. Бундай катта мукофотни кутмаган одам ҳис-туйғулар тўфонида қолиб кетади, албатта. Мен биринчи галда чексиз эҳтиром билан Президентимизга ташаккур изҳор этаман.

Бахтиёр лаҳзаларда инсоннинг босиб ўтган йўли кўзи олдидан ўтади. Ҳар қандай дили қаттиқ одамнинг ҳам кўзига ёш қалқади. Ҳар қандай ҳолатда сўз топиб ўрганган одам шундай пайтда ўз ҳолатига сўз тополмайди. Турган гапки, энг улуғ ифтихор туйғуси Ватаним учун, шундай халқим борлиги учун, шу кунга етиб келганим учун шукроналик туйғусидир. Ватанимнинг обрўси қадамба-қадам юксалиб бораётганлиги, бу ҳақда хорижлик жамоат, давлат арбоблари тилидан эшитиш қанчалар ёқимли! Офтобга бағрини очган юртим борлиги, мустақилликнинг залвар билан кечаётган илк кунларида шундай зукко раҳбар берганидан яратганга шукроналар қиламан.

**— Мукофот қанчалар фахрли бўлса, айни пайтда зиммангизга шунчалар масъулият ҳам юклайди...**

— Албатта. Мен ҳозир шундай ёшдаманки турмушнинг аччиқ-чучугини, баланд-пастини кўрдим. Ҳозир юртимга айни хизмат қиладиган пайтим. Мен билан замондош бўлган, 80 ёшни қоралаб турган акаларим бор, уларнинг олдида ҳам кўп ишлашим керак деб ўйлайман. Чет эллардаги ватандошларим орасида 90-100 ёшдан ошиб ҳали ғайрати қайнаб турган кексалар бор. Уларни кўрганда олдимда ҳали анча қиладиган ишларим борга ўхшайди.

Нью-йорклик Ҳожи ота Марғилоний бир сўз айтгандилар. Уни саккиз қатор шеър қилган эдим:

*Олтмиш йиллик умрим*
*ўтди хорижда,*
*Юздан ошган Ҳожи отанг*
*бўламан.*

*Бўлолмадим Истанбулда,*
*Парижда,*
*Ватанимдан айру қандоқ*
*ўламан!?*

*Қандоқ ўлай ўз юртимни*
*кўрмай хур,*
*Иҳақликдан зўр оламда ҳеч*
*дард йўқ.*
*Мана етдим муродимга,*
*минг шукур,*
*Энди болам, ўладиган*
*номард йўқ.*

Бу чоғлар Ватан учун, унинг порлоқ келажаги учун, буюк давлатлар қаторига қўшилиши учун фидойилик билан меҳнат қиладиган чоғлардир.

**— Сиз жамоат арбоби, элимизнинг ардоқли шоирисиз. Юрагингиздаги тўлқинлар жўшқин сатрларда ўз ифодасини топса керак?..**

— Мен ўзимни ижод бобида халқимдан, айни чоқда, «Оқшом» муштарийларидан қарздор ҳисоблайман. Янги шеърлар ёзиляпти. Яқин кунларда ижод намуналари орқали «Тошкент оқшоми» саҳифаларида дийдор кўришамиз деб ўйлайман.

**— Эркин ака, Сизни юксак мукофот билан яна бир бор қутлаймиз. Меҳнатда, ижодда омад доимо ёр бўлишига тилакдошмиз.**

*Темур САЪДУЛЛО ёзиб олди.*

*Конституция куни олдидан*

## ҚУТЛУҒ САНАГА БАҒИШЛАБ

Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституция кунини халқимиз барча вакиллари қаторида спортчилар ҳам зўр қувонч билан муносиб кутиб оляптилар. Ушбу кутлуғ байрамга бағишлаб шаҳар миқёсида бир қанча спорт мусобақалари бўлиб ўтади. Чунончи, «Камолот» жамғармасининг шаҳар бўлими, пойтахт жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ташаббуси билан 8 декабрь куни Мустақиллик майдонида ёшлар ўртасида Конституция кунига бағишланган енгил атлетика, югуриш мусобақалари бўлиб ўтади. Унда 30 ёшгача бўлган 600 га яқин умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув муассасалари талабалари иштирок этади. Югуриш баҳсида хоҳловчилар ҳам иштирок этишлари мумкин. Ўқувчилар ўз ёш тоифаларига қараб 500, 1000 ва 2000 метрга югуриш бўйича беллашадилар. Мусобақанинг барча ғолибларига махсус совғалар топширилади.

Юнусобод тумани ҳудудида эса пойтахт спорт клубларининг вакиллари иштирокида велокросс мусобақалари ўтказилади. Унда эркаклар 30 километр, ёшлар 20 километр, аёллар ва ўсмирлар 15 километр масофага ўзаро пойгада иштирок этадилар. Энг муҳими, ушбу мусобақада ҳаваскор велосипедчилар ҳам ўзларининг ҳар хил тоифадаги велосипедлари билан қатнашиб, ўз куч-имкониятларини синаб кўришлари мумкин бўлади.

*Дамир ИСАЕВ.*

### МАРОҚЛИ ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 4 йиллиги муносабати билан Юнусобод туманидаги Чўлпон номли 258-ўрта мактабда ушбу кутлуғ байрамга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича бўлим бошлиғининг ўринбосари Татьяна Васильевна Матарнюк, инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия аъзоси, ҳуқуқшунос Муҳаммадали Тошгемиров, туман халқ таълими бўлими назоратчиси Маҳфуза Қосимова, Тошкент Давлат юридик институтининг доценти Ҳолмурод Назаров ва бошқалар қатнашиб Асосий Қонунимизнинг моҳияти тўғрисида фикр юритишди.

*Лутфулло СУВОНОВ.*

*Обуна — 97*

### МУХЛИСЛАРИ КЎП

— Туманимиз пойтахтдаги энг кўп маҳаллалар, корхона, муассаса, ўқув юртлари жойлашган ҳудудлардан биридир. Шу боисдан ҳам бу ерда «Оқшом»ни ўқийдиган ўқувчилар кўп, — дейди Собир Раҳимов тумани ҳокими ўринбосари Шавкат Пўлатов. — Ҳокимликда бу йилги обунага бағишланган махсус мажлис ўтказилди. Унда маҳалла оқсоқоллари, корхона, муассасалар раҳбарлари, мактаб директорлари, тижоратчи-тадбиркорлар иштирок этишди. Мажлисда газеталарга, айниқса, шаҳар газеталарига обуна бўлиш, айрим фуқароларга корхона ва ташкилотлар орқали обуна қилишга келишиб олинди.

Шу кунларда Чинни ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Оникс» ҳиссадорлик жамияти, «Агрегат» заводи каби меҳнат жамоаларида обуна бўйича ишлар яхши йўлга қўйилган. Беруний, Гуручариқ, Расулобод маҳаллаларида ҳам бу хайрли иш қизғин давом этмоқда. Бу йил ҳам обунани ўтган йилдаги каби уюшқоқлик билан ўтказяпмиз.

*Мавлуда МИРЗАЕВА.*

### ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!



«Тошкент оқшоми»га обуна нархларини яна бир бор эслатамиз.

**УЙ МАНЗИЛИГА**
- Бир ойга — 99 сўм
- Уч ойга — 297 сўм
- Олти ойга — 594 сўм
- Бир йилга — 1188 сўм

**АБОНЕНТ ҚУТИСИГА**
- Бир ойга — 79 сўм
- Уч ойга — 237 сўм
- Олти ойга — 474 сўм
- Бир йилга — 948 сўм

**ИНДЕКС — 64690**

**«Тошкент оқшоми»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.**

